

Маматқобилов Турсунмурод Дониёрович
сиёсий фанлар номзоди, доцент
Узбекистон Республикаси Куролли Кучлар Академияси

**ИЖТИМОЙ ҲАЁТ БАРҚАРОЛИГИДА МАЬНАВИЙ-МАЬРИФИЙ
ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ**

Бугунги давр ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш, мамлакатимизда бозор ислохотларини чукурлаштириш, жамиятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий хизматларнинг кенг тизимини яратиш, меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли турму ш д аражасини кўтариш имконини беру вчи ҳу қу қий асосларини мукаммаллаштириш зарурлиги билан изоҳланади. Утган қарийб 30 йиллик истиқлол даврида инсон, унинг ҳаёти, орзуси, дарду ташвишларини кун тартибига қўйишни ва бу борадаги ишлар кўлами самарадорлигини оширишни ҳаётнинг ўзи такозо этмоқда. АММО ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар жамиятни асосий бўғинини ташкил этувчи оиласарнинг кундалик ташвишлари билан ҳам боғлиқ эканлигини замоннинг ўзи намоён этмоқда.

Буюк ва бебаҳо неъмат - мустақилликнинг миллий тараққиётимизда муҳим ўрин эгаллаётганилигига ургу берар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев, 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бештаустуворий ўналишибўйича Ҳаракатлар стратегияси “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, бешта асосий гоя ва тамойилларни ўзида мужассам этади. Мамлакатимизда “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Президент Қарори ҳам Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим жиҳатларидан биридир. Айнан шу орқали ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ҳиссини юртдошларимиз фаолияти билан амалга ошириш бугунги куннинг талабидир. Узлуксиз маънавий тарбиянинг аҳамияти шундаки, боғча, мактаб, лицей, техникум ва олий таълим муассасаларидаги маърифий тарбия оиласадаги маънавий тарбия билан уйғунлашади. Бу Узбекистонда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг қамровидаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Эндилиқда барча олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам профессионал офицер кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш жараёнида уларни ватанпарварлик руҳида фаолият юритишига назарий жиҳатдан дастуриламал бўлиб хизмат қиласди.

Узбек модели, конун устуворлиги, ҳуқуқий маданият, адолат, маърифат, иқтисодий ва ижтимоий соҳалар мавзусидаги илмий-тадқиқотларни ўрганар эканмиз, бу мавзуга оид миллий манбалар истиқлол билан бевосита боғлиқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Бу масала бўйича кўплаб диссертациялар, монографиялар, рисолалар, тадқиқот ишлари муаллифлар томонидан ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Бу ишлар кўламини бугун самарали ташкил этишимиз давр талабига айланмоқда. Шунинг учун ҳам узлуксиз маънавий тарбия орқали нафақат мактабгача ва ундан кейинги ўрта таълимда, балки ҳарбий ва олий таълим муассасаларининг номутахассислик йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга конун устуворлиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг концептуал асослари мавзусини ўқитишида мавзуга оид фалсафа, ҳуқуқ, сиёsatшунослик, жамиятшунослик, маданиятшунослик фанлари доирасидаги ёндашувларни умумлаштириб, муайян илмий натижага эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори асосида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш масалалари ҳам айнан асосий эътиборни амалиётга йўналтирилганлик ва натижадорликка қаратилган стратегия эканлигини қўриш мумкин.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Узбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонига кўра, Узбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсади ҳам албатта - миллий юксалиш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Ҳақиқат шундан иборатки, Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилинганлиги мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш заруратини яна бир бор кўрсатди.

“Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр - оқибат ва ҳамжиҳатлик мухитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачигидай сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир”, деба таъкидлайди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Амалга ошириладиган барча ишларимизнинг замирида шу ҳалқнинг яшаш тарзи, турмуши ва маънавий оламини яхшилаш, ҳар бир соҳа фаолиятида барқарорлик, изчилик ва сифат омилларини асосий даражага қўйиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Жамиятда яшовчи инсонларда аввало аниқ мақсад ва унга олиб борувчи йўл бўлмоги лозим. Инсон доимий ҳаракатда бўлиши, изланиши, янги имкониятларни кашф қилиши ва орқали нафақат ўзига балки ён атрофидагиларга ҳам яхши яшаш шароитини яратиб, жамият ва давлатнинг юксалиб боришига ўз ҳиссасини қўшиб бориши лозим. Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун кулай шарт- шароитлар яратилаётганлиги, мамлакатимиз тараққиётининг юқори даражага кўтарилиши ва жаҳон ҳамжамияти билан барқарор рақобат қилишини таъминлашга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам ҳаётга татбиқ этилган Ҳаракатлар стратегияси истиқболдаги юз йилликларни қамраб оладиган улкан фундаментал тараққиётимиз калитидир. Айнан инсон ва ҳокимият, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда қонунийликни, адолатни таъминлайдиган бутун бошли ҳаракатлар замирида қўп миллатли ҳалқимизнинг осойишта яшаш ҳукуки турибди. Шунингдек, карантин даврида амалга оширилаётган “Саховат ва кўмак” хайрия ишларининг йўлга кўйилиши инсонийлик тамойилининг энг муҳим жиҳатларидан бири хисобланади. Демак, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро жамиятга эътиқод руҳияти билан яшамоги лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар замирида ижтимоий- сиёсий, маънавий-маърифий ва савдо-иқтисодий масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Узбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалиб боришида тинчлик, барқарорлик ва инсонпарварлик тамойилига таянган ҳолда юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаёти, орзузи, дарду - армонларини эътиборимиз марказига қўйишни ва бу борадаги вазифалар самарадорлигини оширишни энг муҳим масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Айни ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан жойларда иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш, муҳтож инсонларга эътибор қартиш масалалари қабул қилинаётган давлат дастурларида ўз аксини топмоқда. Мустақилликнинг 29 йиллиги муносабати билан қабул қилинган “Сен қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Узбекистоним!” деган гоя негизида улкан тарихий тажрибалар турибди. Шунингдек, истиқболдаги режаларимизга мувофиқ Узбекистон миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Ҳарбий таълим муассаларида ҳам таълим-тарбияни белгиланган қонун-қоидаларга мувофиқ тараққиётини таъминлаш учун мамлакатимизда стратегик ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Узбекистон Республикаси Қуролли Кучлари олий бош Кўмондони, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Узбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-

маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сонли қарори ва шу асосда жорий этилган Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самародорлигини ошириш концепциясига мувофиқ “Ватан-муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” гояси илгари сурилди. Шунингдек, Қуролли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар жума куни “Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни” этиб белгиланганлиги замирида эса ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-рухий тайёргарлигини рагбатлантириб бориши лозимлиги белгиланган. Мақсад мамлакатимиз суверенлигини, худудий яхлитлигини, ҳалқимиз тинчлигини садоқат билан ҳимоя қилиш энг олий вазифа сифатида эътироф этилади.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг ҳалқаро майондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Демак, 2017-2021 йилларда Узбекистан Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш Йили” давлат дастури, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ёшлар-келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг маъно -мазмунидан келиб чиқиб, мазкур қарорнинг асосий гоявий тамойилларида инсон омили юқори ўринга қўйилган.

Биз Президентимиз раҳбарлигида эрkin бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан бораётган Узбекистан сиёсатида бутуй эътибор жамият тараққиётига қаратилганлигига амин бўлдик. Давлат бошқарувини эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли ислоҳотларнинг амалга оширилишида жамоат ташкилотлари, сиёсий институтлар ва оммавий ахборот воситаларининг фаолияти бугунги жараёнлар билан ҳамоҳанг бўлмоқда. Давлат, унинг сиёсати фақат ҳалқ манфаатига, мамлакат фуқаролари осоиишталиги ва барқарор турмушини таъминлашга қаратилаётганлиги қабул қилинаётган қонунларда, Президент фармонлари ва қарорларида ўз ифодасини топмоқда ҳамда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса жамиятнинг моддий-маданий қиёфасини белгилаш билан бирга мамлакат фуқаролариниг маънавий-маърифий, ахлоқий тафаккур ва дунёқарашига, руҳий кечинмаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ана шунинг ўзи давлат билан фуқаро, ҳокимият билан аҳоли ўртасидаги муносабатларни адолатга таянган ҳолда уйғунлашиб кетиш имкониятини яратади. Юрбошимиз раҳбарлигида ҳалқимиз тинч-осоиишта ҳаёт кечирмоқда, мамлакатимизда қадам-бақадам ижобий иқтисодий ўзгаришлар содир булмоқда. Тадбиркор, билимдон, меҳнатсевар кишилар учун янги имкониятларга йўл очилмоқда.

Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойил ҳаётга кенг татбиқ этиляпти. Суд-ҳуқуқ тизимида адолатга эришиш, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини таъминлаш масаласи ҳамда давлат органлари фаолиятига холис баҳо бериш орқали инсон омилини юксалтириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Қабул қилинган қонунларнинг ҳаётйлиги ва ижроси таъминланиши жамиятда устуворлик касб этиши керак. Эндилиқда давлат ва нодавлат секторда ҳамда бутун ишлаб чиқаришда мутахассис ходимлар, иқтисодий ислоҳотларга тезда аралашиб кетувчи хизматчилар, бозор муносабатлари талаблари билан ҳозирги илфор жаҳон технологияси талабларига жавоб берувчи кадрлар зарур. Шунинг учун ҳам умумий ишлаб чиқаришдан илфор технологияларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулотлар экспорта ҳажмини кўпайтириш ва бугунги бозор шароитида янгича фикрлайдиган ходимларни тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда Президентимиз ташабbusи билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни, деб эълон қилинганлиги ҳамда сайёр суд мажлисларининг ўтказилаётганлиги, ҳалқ билан очиш ва самарали мулоқот олиб бориши тизимининг йўлга қўйилаётганлиги демократик принципларнинг амалда намоён бўлаётганлигидан далолат.

Таркибий ислоҳотлар кўламларини янад а чу қурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни

модернизациялаш, барқарор ва мутаносиблаштирилган макроиктисодий кўрсаткичларни таъминлаш, инвестиция киритиш, эркин иктиносидий зоналарни ривожлантириш, хусусий

мулкчилик секторини мустаҳкамлаш ва бизнес учун қулай муҳитни янада яхшилаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг муҳим шарти сифатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи муҳим омил сифатида эътироф этилмоқда.

Эндиликда, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг охирги ўн кунлигига ўз сайловчилари билан учрашиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни қонуний ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаётганлиги, ҳокимият вакиллари фуқароларнинг мурожаатларига бефарқ бўймаётганлиги ҳам жамиятда юз берётган ўзгаришларга инсонларнинг даҳлдорлик ҳисси билан яшашига замин яратмоқда. Айни пайтда пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил давом эттириш, янги иш ўринларини яратишга муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Бу тунги дунё ахборотхуружини бошидан кечирмоқда. Шу сабаблиҳам аҳолитафаккурида ахборотни ўзлаштириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб бормоқда. Энди барча шахс ва ижтимоий гурухларнинг қизиқиши, кайфияти, ижтимоий ҳолати таҳлил этилар экан, ишсиз қатламни иш ўринлари билан таъминлаш муҳим масала бўлиб қолаверади. Бунда нодавлат секторни тараққий эттириш ҳам энг муҳим самарали воситалардан биридир. Чунки фуқаролик жамияти шаклланишида нодавлат сектор бошлангич бўғин сифатида баҳоланади. Айни шу жараёнларда инсон ўзининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда жамиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади. Бизнинг бегамлигимиз, лоқайдлигимиз ва ишимиздаги баъзи камчиликларимиз туфайли айрим ёшлар жиноий гурухлар, экстремистлар ва ёт, бузгунчи ғоялар таъсирига тушиб қолганлигини тан олишимиз керак.

Бутун юртимиз бўйлаб улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб, аҳоли учун намунали лойиҳалар асосида арzon уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари барпо этилмоқда. Қайта тикланувчи электр манбалари, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминоти яхшиланяпти. Бозорлардаги дўконлардаги мўл-кўлчилик, дастурхонларимиз тўкин-сочинлигини айтмайсизми. Буларнинг барчаси, авваламбор, мустақиллигимиз, қолаверса, юртимизда ҳукм суроётган тинчлик- осойишталик шарофатидан. Бу барчамизни фидойиликка унданмоқда.

Мамлакатимизда хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланди. Юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари 138 та миллий-маданий марказга бирлашиб, “Узбекистон-умумий уйимиз” шиори остида катта бир оиласининг фарзандлариdek тинч-тотув яшаяпти. Бунинг замирида улкан инсонпарварлик сиёсати турибди. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги фармонига мувоғиқ, Вазирлар Маҳкамаси хузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса жамиятимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил давом эттиришдан иборат.

Дунёда глобализация жараёни кучайган, жаҳон миёсида ракобат, ўзаро қарама- қаршилик тобора авж олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, прозелитизм ва “оммавий маданият” каби таҳдидлар кенгайиб бораётган ҳозирги замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшшимиз керак. “Узбекистон ўзингни ўзинг асра”, “Узбекистон ўзингни ўзинг асра” ғоялари орқали сафарбарлигимизни янада оширишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмокда. Мамлакат чегаралари даҳлсизлигини таъминлаш, Куролли Кучларимизнинг жанговор салоҳиятини кучайтириш навқирон йигит-қизларимизни том маънода ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз дар кор.

Шунингдек, бугунги пандемия даврида ижтимоий-сиёсат марказида давлатимизнинг ўзи турганлиги ва бунга ҳамкор сифатида халқимизнинг фидойи инсонлари томонидан саховат ва қўмак тадбирларининг ташкил этилаётганлиги мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар тамойилида инсонпарварлик ҳислатларини намоён этади.

Айнан, Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, буюк аждодларимиз - Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Бобур каби миллий қаҳрамонларимизнинг кўрсатган жасоратини ҳарбий хизматчиларимизга доимо ўrnак сифатида кўрсатишдан биз доимо фаҳранамиз. Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан анча такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговор қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ошиди. Қисм ва бўлинмалар замонавий курол-ярог ва жанговор техника билан таъминланган. Қуролли Кучларнинг юксак жанговорлик қобилияти иқтисодий, сиёсий, стратегик ҳамда ҳарбий - техникавий ва илмий куч- қудратини ривожлантириш орқали Узбекистон ҳалқининг жипслиги ва ҳар бир фуқарони ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг муҳим принципи ҳисобланади. Демак, ҳарбий соҳадаги кенг қўламда амалга оширилаётган ишлар туфайли қатъий интизом, маънавий- маърифий тафаккур юксалади.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигига мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислоҳотларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Зоро, юксак фуқаролик масъулиятининг жамиятга дахлдорлик туйғуси билан уйғунлашуви буюк мақсадларимизнинг амалга ошишида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Узбекистон Республикаси Конституцияси. - Т: Узбекистон, 2019.
2. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Т.: Узбекистон. 2017.
3. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Халқ сўзи газетаси, 8 февраль, 2017 йил.
4. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Халқ сўзи газетаси, 21 апрель, 2017 йил.
5. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий- маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори, Халқ сўзи газетаси, 29 июль, 2017 йил.
6. Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Узбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Халқ сўзи газетаси, 9 октябрь, 2019 йил.
7. Узбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Янги Узбекистон газетаси, 25 январь 2020 йил.
8. Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т.: Узбекистон, 2000.
9. Шермуҳамедова, Нигинахон. "Фалсафа." (2010).
10. Namazova, Yulduz Muzapparovna. "PROBLEMS OF EDUCATIONAL TRAINING AND GENDER IN THE" NEW METHODICAL SCHOOL" OF TURKISTAN." Scientific Bulletin of Namangan State University 1.12 (2019): 121-125.
11. Абдуллаева, Н., & Шермуҳамедова, Н. (2023). Духовно-просветительское значение наследия
12. Махмудходжи Бехбуди . in Library, 7(1). извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21738>
13. Нишанова, Озода Джалолитдиновна. "HUMAN ORIGINS AND NATIONAL FEATURES OF THE UZBEK ETHNIC CULTURE." Theoretical & Applied Science 9 (2015): 124-126.